



«**История**» : «**История**») «**История**»).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Лаззатларни кесувчи (ўлим)ни кўп эсга олинглар!» (Имом Термизий ривояти).

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирон киши ўзига етган қийинчилик туфайли асло ўлимни орзу қилмасин! Агар жуда бўлмаса: «Парвардигор! Агар ҳаёт мен учун яхши бўлса, яшаттиргин, агар ўлим мен учун яхши бўлса, менга ўлим бергин», десин» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирон киши



ўлимни орзу қилмасин, ўлим келмасидан туриб уни сўраб дуо қилмасин! Чунки сизлардан бирингиз вафот этса, унинг амали тўхтайди, мўмин кишининг умри унга фақат яхшиликни зиёда қилади» (Ином Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ўлим ва охиратни эсга олиш нафсни ислоҳ қилишда, уни охират учун яхши захира ҳозирлаш ва дунёга меҳр қўймасликка ундашда катта асари бор. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кўп эсга олишга тарғиб қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмон кишини бошига тушган мусибатлар сабабли ўлимни орзу қилишдан қайтардилар. Чунки инсон ўзи учун яхшилик ўлимидаи ё яшашида эканини билмайди. Шунинг учун у Аллоҳдан ўзига яхшилик нимада бўлса ўшани беришини сўрамоғи лозим.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ўлимни кўп эсга олишнинг яхшилиги;
2. Бошга тушган мусибатлар сабабли ўлимни орзу қилиш мумкин эмаслиги.